Асосий матн. Индустрал - аграр мақомидага ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида бозор муносабатлари, тамойил ва механизмларини такомиллаштирмасдан ва уларни амалиётга самарали жорий этмасдан туриб моддий неъматларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш орқали жамият аъзоларининг эҳтиёжларни қондириш мураккаб вазифа бўлиб ҳисобланади. Бозор муносабатлари эса, иқтисодиётнинг барча моддий тармоқ ва ижтимоий соҳаларида инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган моддий ва номоддий

неъматлар юзасидан ўзига хос танловни юзага келтиради. Ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсули бўлган маҳсулот (товар, хизмат)лар ушбу иқтисодий танловда иштирок этиб, жонли меҳнат маҳсули сифатида улар қийматининг бозордаги талаб ва таклиф асосида шаклланишига таъсир кўрсатади.

Бу жараён ўз навбатида, турли мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш субъектлари ўз фаолиятининг маҳсули бўлган маҳсулот (товар, хизмат)лар сифати ва қийматининг юксак баҳоланишини хоҳлайди, кишилиқ жамияти эса инсонлар эҳтиёжларининг муттасил ўсиши таъсирида кунлик истеъмол учун зарур бўлган янги маҳсулотларга талабни кўя бошлайди. Натижада ижтимоий меҳнат тақсимоти қонуниятига кўра янги меҳнат турларининг шаклланиши ва вужудга келиши ўзига хос қулай шарт-шароитларни яратишни тақозо этади. Бу жараён ишлаб чиқариш ва эҳтиёж ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқлик ва таъсир асосида амалга ошади. Бозордаги талаб ва таклиф ўзгариши таъсирида у ёки бу ижтимоий танловни қабул қилиш ва иқтисодий ривожланиш шароитида моддий-маънавий эскирган тармоқ ва соҳаларни инновацион модернизация қилиш ва диверсификациялаш асосида ишлаб чиқаришнинг янги таркиби шаклланади. Бунда давлатнинг тартибга солувчи сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, бошқарув институционал ва ташкилий-таркибий механизмлари муҳим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини интеграция ва кооперация асосида мувофиқлаштириш, ўзаро алоқаларини рақамлаштириш ва ҳар бир тармоқнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги роли ва ўрнини ҳисобга олган ҳолда барқарор ривожлантириш стратегиясини танлаш мақбул ишлаб чиқариш таркиби ва тузилмаси шаклланишига хизмат қилади. Мақбул таркибни танлаш эса бозорнинг талаби, ундаги ўзгаришларни ҳисобга олишни тақозо этади. Бозордаги ўзгаришлар эса бевосита унинг конъюнктураси билан боғлиқ ҳисобланади. Конъюнктура сўзи латинча "conjungi" сўзидан олинган бўлиб, ўзаро боғлиқлик, алоқа ва шартлар йиғиндиси ҳамда ўзгарувчин вазият маъносини билдиради.

Илмий адабиётларда конъюнктура атамасига доир турли таърифлар ва қарашлар мавжудлигини эътироф этиш лозим. Жумладан, С.В. Евстафьева "конъюнктура" – бу бирор нарсага таъсир қилувчи ҳар қандай ташқи ҳолатлар ва шартларни ўз ичига олган умумлашган тизим, тор маънода эса, атроф-муҳит билан боғлиқ равишда ўлчанадиган, баҳолаш мумкин бўлган миқдорий ва сифат хусусиятларини ифодаловчи атама маъносида

таърифлаган¹⁰. Шунингдек, олим ўз фикрини кенгайтириб, конъюнктурани иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ва бозор тизимлари кесимида ажратган. Унинг фикрича, “бозор конъюнктураси айнан ҳозирги вақтда маълум бир товар (хизмат)лар бозоридаги ёки иқтисодиётнинг алоҳида секторидаги ўзига хос иқтисодий вазиятни, талаб ва таклифнинг мавжуд ҳолатини акс эттиради”¹¹. Л.В. Алексахина эса “бозор конъюнктураси бозорнинг умумий тавсифини беришга имконият яратувчи, маълум бир вақтнинг ёки вақт оралиғидаги ўзига хос бозор ўзгаришларини, шунингдек, бозорнинг муайян ҳолатини белгиловчи кучлар ва шартлар мажмуи сифатида тушунилади” деб таърифлайди. Бошқа кўплаб иқтисодий адабиётларда ҳам бозор конъюнктураси атамасига турли гуруҳларга кирган иқтисодчи олимлар томонидан ҳам ўзига хос ва фарқ қилувчи таърифлар берилган. Масалан, бир гуруҳ иқтисодчи олимлар бозор конъюнктурасини ўрганишдан мақсад унинг мувозанатининг табиати ва даражасини, биринчи навбатда эса, талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатни аниқлаш эканлигига эътибор қаратиб, “бозор конъюнктурасининг моҳияти, мақсади талаб ва таклифнинг мувозанатга интилишида намоён бўлади. Бироқ, стохастик характерга эга бўлган бу жараён кўплаб қарама-қарши омилларнинг доимий таъсири остида содир бўлади, бу эса бозорнинг ривожланишида доимий оғиш ва тебранишлар тенденциясини белгилайди”¹² деган фикрни илгари сурган.

“Бозор конъюнктураси” атамасига боғлиқ кенг ва тор маънода берилган юқоридаги таърифлар ва тушинчаларга асосланган ҳолда, жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш масаласига ойдинлик киритиш учун “ишлаб чиқариш таркиби” ёки “таркиб” атамаларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг фарқли жиҳатларини кенгрок тушуниб олиш мақсадга мувофиқ. Кўпгина иқтисодий адабиётларда талқин қилинишича, ҳозирги пайтда “таркиб”, “tizim” ва “тузилма” атамалари умуман олганда мазмунан бир бирига мос келиши жиҳатларидан халқаро лексикон муомаласида кенг ишлатиладиган “структура” атамасининг синоними сифатида ҳам қўлланилади. Умуман, ушбу атамаларнинг қўлланиш доираси анча кенг бўлиб, иқтисодиётнинг қайси тармоқ ёки соҳасига мослигига эътиборни қаратган ҳолда тадқиқ этиш, қўллаш ва унинг амал қилиш доирасини топиш муҳим ҳисобланади. “Структура” атамаси

¹⁰ Прогнозирование рыночной конъюнктуры: краткий курс лекций для студентов направления подготовки 38.03.02 - Менеджмент / Сост.: С.В. Евстафьева // ФГБОУ ВПО «Саратовский ГАУ». – Саратов, 2013. – 70 с.

¹¹ Прогнозирование рыночной конъюнктуры: краткий курс лекций для студентов направления подготовки 38.03.02- Менеджмент / Сост.: С.В. Евстафьева // ФГБОУ ВПО «Саратовский ГАУ». – Саратов, 2013. – с. 5.

¹²Энциклопедия маркетинга. <https://www.marketing.spb.ru> Адрес документа: https://www.marketing.spb.ru/lib-mm/mibif/6/ls1_1.htm Обновлено: 20.11.2017

лотинча “struktura”, яъни, тузилиш, жойлашиш маъносини англатиб, ниманингдир тузилиши ва жойлашувини тавсифлаб, мавжуд таркибий қисмларининг маълум доирадаги алоқаларини ўзида акс эттиради.¹³ Шунингдек назардан, масалан, П.Т. Карпухин “структура” атамаси иқтисодий турли жиҳат ва йўналишларга боғлиқ равишда ифодаланиши мумкин ҳамда унинг йирик тармоқларининг таркибан шаклланиш ва ҳосил бўлишини, масалан, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа тармоқларга ажралишини, бу йирик тармоқлар ўз навбатида бўлинмаларга ажралишини кўрсатади деб талқин қилади. Жумладан, саноат А гуруҳ (I-бўлинма) ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи ва Б-гуруҳ (II-бўлинма) истеъмол маҳсулот (товар)лари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, қишлоқ хўжалиги эса иккита йирик - чорвачилик ва ўсимчилик тармоқларига бўлини-шини таъкидлайди¹⁴.

О.Ю. Красильников иқтисодий структурасини техник базисга асосланган ва ўзаро боғлиқ равишда шаклланадиган мураккаб тизим маъносида таърифлаб, “иқтисодий структураси, аввало, мавжуд меҳнат тақсимооти тизимида ўзини акс эттиради ва бу кўпинча келиб чиқишига кўра технологик хусусиятларга эга бўлсада, туб моҳиятан иқтисодий мазмун касб этиб, мулкчилик муносабатлари ва институционал тартибларда намоён бўлади ва айирбошлаш муносабатлари орқали амалга ошади” дейди. У ўз фикрини давом эттириб, структура тушунчаси кўп қиррали ва кенг миқёсда қўлланиладиган атама эканлигини, унга асосан иқтисодий ишлаб чиқариш, тақсимот, истеъмол, миллий даромад (такрор ишлаб чиқариш структураси), корхона ва тармоқлар, шунингдек, алоҳида ташкилий-таркибий омиллар ва жараёнлар тизими доирасида қараш лозим” деган хулосага келган¹⁵.

Шунингдек, “структура” атамаси иқтисодий тармоқлари ва улар билан боғлиқ ички таркибий субъектларни ҳисобга олган ҳолда ҳам тадқиқ этилган. Масалан, А.Н. Нехамкин структура “таркибий тузилмалар ички субъектлари, макродаражадаги тармоқлар, ишлаб чиқариш комплекслари ва ижтимоий ишлаб чиқариш бўлинмалари мажмуи ҳисобланади” деб таъкидлайди¹⁶. Шунингдек, ишлаб чиқариш таркибий тузилмасининг шаклланиш хусусиятлари кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўзига хос йўналишлар бўйича тадқиқ этилган. Жумладан, Н.А. Пиличев, А.М. Васильевлар “структура” атамасини иқтисодий “категория” сифатида ўрганиб, “структура

¹³ Толковый словарь Ожегова. С.И. Ожегов, Н.Ю. Шведова. -М.:1949. 1992 йилда қайта ишланган нашри.

¹⁴ Карпухин П.Т. “Структура народного хозяйства и производительность труда”. - Москва, Издательства “Экономика”, 1968. – с. 5.

¹⁵Красильников О.Ю. Структурные сдвиги в экономике: теория и методология. Саратов: Изд-во “Научная книга”, 1999. - с. 6.

¹⁶ Нехамкин А.Н. Рыночная экономика: государственное регулирование НТП. - М.:Издательство МГУ, 1993.-с. 129.

хар қандай тизимнинг ички шаклини ўзида мужассамлаштиради ва, шу боис, масалан, қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятида ишлаб чиқариш ва ташкилий структура тушунчаларини фарқлаш зарурлигини таъкидлайди. Шунга мувофиқ “ишлаб чиқариш структураси”га “хўжаликнинг иxtисослашишидан келиб чиқиб, тармоқларнинг унда таркиб топиши ва ўзаро бирикишини кўрсатади”¹⁷ деган мазмундаги таъриф берган.

Н.А. Шокин “халқ хўжалиги тармоқ тузилмаси ўзида ижтимоий меҳнат тақсимотининг умумий ва хусусий кўринишини акс эттирган ҳолда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг йирик турларга, уларнинг соҳалар ва кичик тармоқларга бўлинишини ифодалайди ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилмаси билан корхона ишлаб чиқариш тузилмаси ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини”¹⁸ ва “халқ хўжалигининг структураси тушунчаси меҳнат тақсимоти тушунчаси каби кўп қирралигини, унинг такрор ишлаб чиқариш, ижтимоий ва тармоқ структуралари борлигини қайд этади”¹⁹.

И.М. Мейергойз Н.А. Шокиннинг фикрига қўшилиб, уни тўлдирган ҳолда халқ хўжалиги тузилмасининг ижтимоий-иқтисодий, тармоқ, ҳудудий тузилмаларини ажаратиб алоҳида тадқиқ этиш лозим деб тавсия қилади²⁰. Шунингдек, Н.П. Камовский “қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири сифатида ўзига хос таркибий бўлинишга эга”²¹ деб ҳисоблаб, унинг ишлаб чиқариш таркибида ҳудудий ва тармоқ тузилмалари мавжудлигини, уларнинг мақбул нисбатининг ўрнатилиши бирламчи зарурият касб этади деб таъкидлайди. Б. Галиниене, А. Витаслар ишлаб чиқариш таркибидаги ўзгаришларни бир неча босқичга ажратган ҳолда тадқиқ этишган. Уларнинг таъкидлашича, “ишлаб чиқариш структураси туғилиш, ўсиш ва етуклик босқичларига мос даврларни ўтайди, сўнгра иқтисодиётдаги турли ўзгаришлар таъсирида туб ўзгаришлар (коллапс) юзага келади. Ушбу жараёнда структуранинг ҳар бир элементида ўзига хос ўзгаришлар юз беради ва қўшимча элементлар шаклланашига сабаб бўлади (1-расм).


¹⁷Пиличев Н.А., Васильев А.М. Управление сельскохозяйственным производством. – М.:Агропромиздат, 1987.- с 12.

¹⁸Шокин Н.А. “Теоритические основы формирования эффективной структуры народного хозяйства». - М.: Наука, 1984. - с 11.

¹⁹Шокин Н.А. “Теоритические основы формирования эффективной структуры народного хозяйства» М.: Наука, 1984.- с. 75.

²⁰ Мейергойз И.М. “Территориальная структура хозяйства”. - Новосибирск: Наука, 1986.-25 с.


²¹ Камовский Н.П. “Совершенствование структуры сельскохозяйственного производства Брянской области». Автореферат дисс. на соис. уч. степени кандидата экономических наук.- М.: РГБ, 2003. – с. 9.



1 –расм. Структура шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари ва ўзаро боғлиқлиги²²

Жумладан, уларнинг фикрича, структуранинг ривожланишида етуклик босқичи, яъни, трансформация (шаклларнинг ўзгариш) жараёни алоҳида рол ўйнайди ва у бошқа босқичларда ҳам ижобий ўзгаришлар бўлишига асос бўлади. Зотан, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг кризис даврида бир унсур бошқа бир унсурга ўз ўрнини бўшатиб беради. Туб ўзгариш (коллапс) даврида эса иқтисодиёт ўз шаклини ўзгартиради ва унинг эскиси ўрнига янги таркиби шаклланади деган ғояни илгари суришади. Бизнингча ҳам, бу ғояни илмий-назарий асосланган деб қабул қилиш мумкин. Тармоқ тузилмасида таркибий ўзгаришлар мураккаб бир шаклдан бошқа ўзига хос янги шаклга ўтувчи тизим ҳисобланади ва ушбу трансформация жараёнида манфаатлар тўқнашуви содир бўлиб, улар ўзаро таъсир ва уйғунликда трансформацияланади. Демак, айтиш мумкинки, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, моддий бойликлар тақсимооти тизимини бозор конъюнктурасига мос ташкил қилиш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш қўйилган мақсадларга эришишда муҳим аҳамиятга эга (2-расм).

²² Галиниене Б., Витас А. “Актуальни проблеми економики Киев. - №2 (128), 2012. - с. 3.



2- расм. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибий тузилмасининг мақсадли туркумлиниши²³

Тадқиқотларга кўра, ишлаб чиқариш структураси атамаси собиқ иттифоқ ва хорижлик бошқа олимлар томонидан ўрганилган ва ҳозирда ҳам тадқиқ этилмоқда. Ўзбек тили атамашунослигида “структура” сўзи “таркиб”, “тузилма” каби ўхшаш мазмундаги сўзлар синоними ўрнида қўлланилмоқда. Лекин, улар қўлланилиш йўналишига кўра мазмунан бир-биридан фарқланиш хусусиятига эга. “Таркиб” деганда “негиз”, “асос” ва “бирор бир бошланғич мақсаднинг асоси” каби мазмунларни англаш мумкин. “Тузилма” эса “бир бутунлик”, “яхлитлик” ёки “тўлиқлик” мазмунига эга бўлиб, иқтисодиёт масалалари ёхуд бевосита ишлаб чиқариш структураси мамлакат иқтисодиётининг йирик тармоқлари ва бир неча йирик тармоқлар доирасида таҳлил этилганда “ишлаб чиқариш таркиби” ёки “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркиби” жумласини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Умумиқтисодиёт масалалари агар иерархик тизимда йирик тармоқлардан кичик тармоқлар таҳлиliga қаратилганда “ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилмаси” жумласини қўллаш лозим. Бу эса “қишлоқ хўжалиги тармоқ ишлаб чиқариши тузилмаси” ва “ишлаб чиқариш таркиби” тушунчаларининг фарқларини ажратиш имконини беради. Бундан ташқари, бизнингча, ялпи

²³Илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

ички маҳсулотни яратишда ўзаро боғлиқ фаолият юритувчи тармоқлар, жумладан, саноат ва қишлоқ хўжалиги, уларнинг маҳсулот етиштирувчи ва турли хизматлар кўрсатувчи ички хўжалик субъектларидан иборат тизимини “ишлаб чиқариш таркиби” деб қабул қилиш мумкин. “Тармоқ тузилмаси” эса тармоқлар таркибидан иборат бўлган тизимнинг ички тузилишини акс эттириб, улар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш имконини яратади.

Демак, юқоридаги атамалар моҳияти ва йўналишлар бўйича қўлланиш жиҳатларига асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркиби ички хўжалик бўлинма ва тармоқларининг ўзаро боғлиқ ривожланиши жиҳатидан ўзида икки йирик асосий ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларини бирлаштириб, маҳсулот (товар) етиштирувчи хўжаликлар даромадини ошириш имконини таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибидаги ушбу икки йирик тармоқ негизида бир қанча қуйи бўғиндаги ишлаб чиқариш соҳалари шаклланади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларига асосан, биринчидан, алоҳида ва, иккинчидан, ўзаро боғлиқлик ва таъсирга эгаллиги боис узвий алоқада фаолият юритади. Шу жиҳатдан А. Карпухин “ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини биринчи навбатда техник ривожланиш йўналишлари ва табиий-иқлим ресурслар ўзлаштирилиши, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши натижасида талабнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш зарурлигини” таъкидлайди²⁴. П.П. Логинов “ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришни тармоқлараро ва муайян тармоқ ички субъектларини мақбул жойлаштириш ва ихтисослаштириш асосида ишлатиладиган ресурслар ҳисобига катта ҳажмда миллий даромад олиш ва ижтимоий харажатларни максимал даражада камайтиришнинг зарур омили”²⁵ деб ҳисоблайди. Бунда, бизнингча, маҳсулот ишлаб чиқариш таркибини бозор конъюнктураси ва иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда прогноз қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Прогноз мезонлари ва омилларини танлаш, стратегиясини ишлаб чиқиш, тармоқ ва хўжаликлар фаолиятини режалаштириш учун асос бўлиш керак. Бозор конъюнктурасини ўрганиш корхона янги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва бозорга чиқаришни мақсад қилганда айниқса кескинлашади. Шу боис, “мамлакатдаги иқтисодий вазиятни, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва маҳсулот бозорларини, шунингдек, уларнинг таъсири остида баъзан ишлаб чиқариш ҳажми, ташқи савдо, муайян

²⁴ Карпухин П.Т. “Структура народного хозяйства и производительность труда”. – Москва: Издательства “Экономика”, 1968. – с. 5.

²⁵ Логинов В.П. Структура народного хозяйства в условиях интенсификации экономики.- Москва: «Наука», -1986. - с.16.

маҳсулот нарҳида жуда тез ўзгаришларни ўрганиш жуда муҳим”.²⁶ Иқтисодчи олим Ю. Андреев “корхона ишлаб чиқариш структурасини маҳаллий аҳолининг азалий анъаналари, ҳудудий ихтисослашув, қайта ишловчи корхоналар, уларга бириктирилган хомашё ҳудудлари ва бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда танлаш”ни²⁷ тавсия қилади. Демак, бизнингча, ишлаб чиқариш таркиби ва тузилмаси иқтисодий категория сифатида ижтимоий меҳнат тақсимоти жараёнида тармоқларнинг илмий асосланган жойлашиши ва ихтисослашуви, қўшилган қиймат яратиш занжирида кооперация ва интеграция муносабатлари, иштирокчилар манфаатлари уйғунлиги, улушли табақаланиши ва улар фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялашни ифодалайди.

Хулоса ва тавсиялар

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш таркибини иқлим ва бозор конъюнктураси ўзгаришлари шароитида маҳсулот (товар, хизмат)лар ишлаб чиқарувчилар иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил қилиш қуйидаги устувор вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади:

- қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишларида ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилма субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ҳажми ва сифатини ошириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу тизим деярли барча давлатларда, шу жумладан ривожланган давлатларда ҳам маълум чегара ва доирада амалга оширилади.

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари аксарият ҳолларда ҳаёт учун бирламчи зарур маҳсулот ҳисобланади, аммо, уларнинг баъзи турларини бошқаси билан алмаштириб бўлмайди. Шу боис, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш жараёнида ушбу хусусиятни эътиборга олиш лозим. Чунки, баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларига бўлган талаб уларнинг баҳоси ошганлиги билан камаймайди. Бу ҳолат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари айрим турларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тармоқни ривожлантириш ва бошқа устувор вазифаларни, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишда алоҳида эътиборга олишни тақозо қилади;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унга бўлган талаб бозор конъюнктурасига боғлиқ ҳолда таркибан ўзгариб, истеъмол қилишнинг физиологик, миллий, ҳудудий ва иқлимий хусусиятларига асосланган

²⁶ Прогнозирование рыночной конъюнктуры: краткий курс лекций для студентов. 38.03.02 – Менеджмент / Сост.: С.В. Евстафьева // ФГБОУ ВПО «Саратовский ГАУ». – Саратов, 2013. – 70 с.7 - 8 .

²⁷ Андреев Ю. “Оптимизация производственной и социальной структуры сельскохозяйственных предприятий”. Журнал:- АПК: экономика, управление. - Москва , 2001. – № 4.- с 60-65.

меъёрий ўлчамларига, ички бозорнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйиниш даражасига, аҳоли истеъмол қилиш меъёри ва тулов қобилятига бевосита боғлиқ бўлади;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб кам ўзгарувчан ва кам эластик бўлганлиги туфайли уларнинг нархлари сезиларли ўзгармайди, лекин, шу билан бирга, тармоқда фойдаланиладиган саноат маҳсулотлари, хизмат кўр-сатиш харажатларини меъёрлаш ва мувофиқлаштиришни талаб қилади. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берувчи даромадга эга бўлиши зарур, бу манба ўз навбатида уларга хизмат қилувчи тегишли корхона ва соҳалар ривожланишига замин яратади;

- таҳлиллар кўрсатишича, айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб юқори бўлсада, лекин, улар истеъмолчига етмасдан жойларда ва бозорларда ҳаракатсиз туриб қолиш ҳолатлари мавжуд. Бу маълум даражада маҳсулотлар сифатининг бузилиши ва нобуд бўлишига сабаб бўлади. Шу сабабларга кўра, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини сифатли ва ўз муддатида сотишни таъминловчи иқтисодий муҳит яратиш, рағбатлантирувчи механизм, усуллар ва воситалардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини жорий қилиш мақсадга мувофиқ;

- қишлоқ хўжалигида катта ҳажмда мавсумий ва аксарият тез бузилувчан маҳсулот турлари етиштирилади. Уларни қисқа муддатларда тайёрлаш, қайта ишлаш, ташиш, сотиш ва экспорт қилиш жараёнларини манфаатдор субъектлар ҳамкорлигида кооперация ва интеграция муносабатлари асосида ташкил этиш ва ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бу устувор вазифани ҳал этишда давлат-шериклик тизимини бозор конъюнктураси талабларига мос такомиллаштириш, ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий-иқтисодий механизмларини татбиқ этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Прогнозирование рыночной конъюнктуры: краткий курс лекций для студентов направления подготовки 38.03.02 Менеджмент / Сост.: С.В. Евстафьева // ФГБОУ ВПО «Саратовский ГАУ». – Саратов, 2013. – 70 с.

2. Энциклопедия маркетинга. <https://www.marketing.spb.ru>: https://www.marketing.spb.ru/lib-mm/mibif/6/ls1_1.htm, Обновлено: 20.11.2017

4. Толковый словарь Ожегова. С.И. Ожегов, Н.Ю. Шведова. -1949 й. 1992 йилда қайта ишланган нашри.

5. Карпухин П.Т. Структура народного хозяйства и производительность труда. - Москва, Издательства “Экономика”. – 1968. –стр 5.

6. Красильников О.Ю. Структурные сдвиги в экономике: теория и методология. Саратов, изд-во “Научная книга”, 1999. 74 с. 6-стр.
7. Нехамкин А.Н. Рыночная экономика: государственное регулирование НТП.-М.:Издательство МГУ, 1993.-129 с.
8. Н.А.Пиличев, А.М.Васильев. Управление сельскохозяйственным производством.- М.://Агропромиздат, 1987.- стр 12.
9. Шокин Н.А. “Теоритические основы формирования эффективной структуры народного хозяйства».- М.: Наука, 1984.-с 11.
10. Мейергойз И.М.“Территориальная структура хозяйства”.- Новосибирск: Наука, 1986.-с. 25.
11. Камовский Н.П. “Совершенствование структуры сельскохозяйственного производства Брянской области». Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата эконом. наук.- (электронный ресурс):- М.:РГБ, 2003.- с 9.
12. Галиниене Б., Витас А. “Актуальни проблеми економики Киев. - №2 (128) 2012 г.- с.3.
13. Логинов В.П. Структура народного хозяйства в условиях интенсификации экономики. - Москва:«Наука», 1986.- с.16.
15. Андреев Ю. “Оптимизация производственной и социальной структуры сельскохозяйственных предприятий”. - Журнал //АПК: экономика, управление. -М.: 2001. – № 4 - с. 60-65.

BARQAROR RIVOJLANISHDA YASHIL ENERGIYA TEKNOLOGIYALARINING AHAMIYATI

Asamxodjayeva Shoiri Shukrullayevna

Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti dotsenti

E-mail: shoira9173@gmail.com

Orcid: 0000-0002-6124-2324

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada dastlab barqaror rivojlanish va yashil energiyaning ma'nosi, uning asosiy jihatlari o'rganildi, so'ngra yashil energiya texnologiyalari tahlil qilindi. Shuningdek yashil energiya texnologiyalarining afzalliklari hamda kamchiliklari ko'rib chiqildi. Ish so'nggida mavzuga doir xulosa va tavsiyalar shakllantirildi.*

***Kalit so'zlar:** yashil energiya, barqaror o'sish, uglerod chiqindilari, quyosh energiyasi, shamol energiyasi, gidroenergetika, geotermik energiya, biomassa energiyasi, issiqxona gazlari, energiya samaradorligi.*

***Аннотация.** В данной статье сначала было изучено значение устойчивого развития и зеленой энергетики, ее основные аспекты, а затем проанализированы технологии зеленой энергетики. Также были рассмотрены преимущества и недостатки технологий зеленой энергетики. По итогам работы были сформированы выводы и рекомендации по теме.*

Ingliz tili muharriri: Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi
Musahhih: Vaxabova Marfua Mirkamalovna
Sahifalovchi va dizayner: Zoirov Sardor Ziyodin o'g'li

2- TOPLAM

2- MAXSUS SON /2025

© Materiallar ko'chirib bosilganda, **“Management and Economics Scientific Research Journal”** jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar mas'ul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.

Materiallar va reklamalar pulli asosda chop etiladi.

El. pochta: journals@timeedu.uz

Tel.: +998 95 651 90 00

“Management and Economics Scientific Research Journal” jurnali 19.09.2024-yildan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 404368-son reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan. Litsenziya raqami:

C-5669639

PNFL: 308906510

Manzilimiz: Toshkent shahar Yakkasaroy tumani
Shota Rustaveli ko'chasi, 114